

**“Ўзагроинспекция” тизимида коррупцион хавф-хатарлар юқори бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича  
 ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**


| Т/р | Муносабатлар   | Коррупцияон омиллар   | Бартараф этиш механизми  | Ижро муддати             | Масъул ижрочилар  |
|-----|--|---|--|--------------------------|---|
| 1.  | Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар.  | Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиши. | Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ходимлар билан тузилган ва тузиладиган меҳнат шартномаларига киритиш учун коррупцияга қарши қоидалар (коррупцияга қарши шартлар)нинг мазмуни бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАРни шартномаларга киритиш ва расмийлаштириш. | Ноябрь кейинчалик доимий | Кадрлар бошқармаси<br>Ж.Сафаров,<br>Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари,<br>“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК раҳбарлари        |
| 2.  | Тарафлар билан шартнома тузишда ва ўз мажбуриятларини бажараётганда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатлар. | Бевосита ёки билвосита пора олиш, розилик бериш, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланиш, мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни олиш, шунингдек ўз ваколатларини суистеъмол қилиш.  | Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши қоидаларнинг (коррупцияга қарши курашиш шартлари) мазмуни бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАРни шартномаларга киритиш ва расмийлаштириш.                    | Ноябрь кейинчалик доимий | Молиялаштириш бошқармаси<br>А.Ғаффоров,<br>Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари,<br>“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК раҳбарлари |
| 3.  | Шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим                                    | Ходим ўзининг яқин қариндошлари ва (ёки) у билан алоқадор шахслар ишлайдиган Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари назорати остидаги ташкилотларнинг фаолиятини  | Ходимлар томонидан хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий,   | Доимий                   | Инспекция марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман бўлимлари,<br>“Агросаноат мажмуида хизматлар   |

| Т/р | Муносабатлар   | Коррупцияон омиллар   | Бартараф этиш механизми  | Ижро муддати       | Масъул ижрочилар  |
|-----|--|---|--|--------------------|---|
|     | <p>даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар.</p> | <p>назорат қилишнинг алоҳида функцияларини бажариши; ходим Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўзининг шахсий манфаатдорлиги бўлган товарлар, ишлар ёки хизматларни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилишда иштирок этиши.</p>  | <p>мулкӣй, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) Инспекция манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида Инспекция тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги НИЗОМ талабларига риоя қилинишини доимий назорат қилиб бориш.</p> |                    | <p>кўрсатиш маркази” ДУК ва унинг филиаллари</p>  |
| 4.  | <p>Инспекция функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарлар.</p>  | <p>Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида тизим идоралари фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жихатидан таҳлил қилинади. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Инспекция тизимида коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинманинг фаол қўллаб-қувватлаши ва назорати остида тизим идораларининг тегишли раҳбарлари, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар иштирок этади</p> | <p>Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ ва Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига асосан баҳолаб чора-тадбирлар белгилаб бориш.</p>   | <p>Ҳар чоракда</p> | <p>Инспекция марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман бўлимлари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК ва унинг филиаллари</p> |

| Т/р | Муносабатлар                            | Коррупцияон омиллар  | Бартараф этиш механизми   | Ижро муддати | Масъул ижрочилар   |
|-----|---|--|---|--------------|--|
| 5.  | Давлат хизматларини кўрсатиш функцияси. | Тегишли функцияларни бажариш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи (схемалар), мавжуд ва қолдик коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган ходимларни ўз ичига олган ва Инспекция тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузилган ҳужжат | Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом, 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисида”ги низом, 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисида”ги низом, 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарор билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш | Доимий       | Инспекция марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман бўлимлари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК ва унинг филиаллари |

| Т/р | Муносабатлар | Коррупцияон омиллар | Баргараф этиш механизми  | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|-----|--------------|---------------------|--|--------------|------------------|
|     |              |                     | <p>техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом, 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги рўйхатлар, “Ўзстандарт” агентлигида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (2004 йил 11 ноябрь рўйхат рақами 1422), Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари (2005 йил 18 март рўйхат рақами 1458) ва Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидалари (2013 йил 11 октябрь рўйхат рақами 2516)га риоя этилишини таъминлаш; Мазкур ҳужжатлар бўйича амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;</p> <p>Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> |              |                  |

Коррупцияга қарши ички назорат  
бўлими бош инспектори



А. Очилов